

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 360-ҳадис

360 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «أَرَأَيْتِنِي فِي الْمَنَامِ أَتَسْوَكُ بِسِوَاكِ، فَجَاءَنِي رَجُلٌ، أَحَدُهُمَا أَكْبَرُ مِنَ الْآخَرِ، فَنَأَوْلَى السِّوَاكَ الْأَصْغَرَ، فَقِيلَ لِي: كَبِيرٌ، فَدَفَعْتُهُ إِلَى الْأَكْبَرِ مِنْهُمَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ مُسْنَدًا وَالْبُخَارِيُّ تَعْلِيقًا.

360. Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади.

Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Тушимда бир мисвок билан тиш тозалаётган эканман. Олдимга икки киши келди. Улардан бирининг ёши иккинчисиникидан катта эди. Мисвокни кичигига узатган эдим, менга: «Каттасига бер», дейилди. Шунда уни каттасига бердим», дедилар».

Имом Муслим муснад ҳолда ва Имом Бухорий таълиқ ҳолда ривоят қилишган.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан ёши улуғларни ҳурматлаш кераклиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ёши улуғларнинг ҳурматини жойига қўйиш дейилганида, ҳар ишда улардан маслаҳат сўраш, йиғинларда юқорироқ жойга ўтқазиш, таомга улардан кейин қўл узатиш кабилар тушунилади. Ушбу фазилатлар Расули акрам соллаллоху алайҳи ва салламнинг “Инсонларни ўз ўрнига ўтқизинглар”, деган ҳадисларига мувофиқдир.

Ушбу ҳадисни Шихоб ибн Уббод элчилардан эшитган қуйидаги воқеа ҳам қувватлайди: “Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келганимизда, жуда хурсанд бўлдилар. Бизга кенг жой қилдилар ва у ерга ўтиридик. Ул зот бизга қараб: “Сизларнинг бошлиқларингиз ва улуғларингиз ким?” дедилар. Биз Мунзир бин Оизга ишора қилдик. Мунзир яқин келганида кишилар унга жой берди. Мунзир Пайғамбаримизнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келди. Ул зот уни ўнг томонларига ўтқиздилар ва унга ҳурмат кўрсатдилар”.

Ушбу ўринда жамоа улуғларини ҳурматлаш ва алоҳида эҳтиром кўрсатиш лозимлиги баён қилинмоқда. Халқимизда “Минг қўшчига бир бошчи” деган ҳикматли нақл бор. Азал-азалдан аждодларимиз ҳам ораларидан ҳар томонлама билимдон, оқил, фаҳму фаросати теран ва одил кишини ўзларига бошлиқ этиб, унга бўйсунгандар. Аждодларимиз ушбу фазилатларни фарзандларига ҳам сингдиришган. Азиз устоз ва мураббийлар ҳам ўғил-қизларга таълим-тарбия беришда ушбу сифатларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Манба: hadis.islom.uz

